

## РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ФОНОЎЗГАРИШ ВА ФНОСТИЛИСТИКА ҲОДИСАСИ



**Қундуз САПАРОВА**

филология фанлари доктори, доцент

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

[kundus@mail.ru](mailto:kundus@mail.ru)

### Аннотация

Мақолада фоноўзгариш ва фоностилистика ҳодисаларининг рус ва ўзбек тилларидаги кўринишлари ўрганилган, бу икки ҳодиса ўртасидаги фарқлар очиб берилган, фонетик аспектдаги стилистик воситалар таҳлил қилинган.

### Аннотация

В статье изучается проблема проявления фоновари́рования и фоностили́стики в русском и узбекском языках, раскрываются различия между фоновари́рованием и фоностили́стическими явлениями, анализируются стилистические средства фонетического аспекта исследуемых языков.

### Abstract

This article examines the problem of phonovariation and phonostylistics in Russian and Uzbek languages, reveals the differences between the phonovariation and phonostylistics phenomena, analyzes the stylistic overcoming the redundancy of means on stilistics means of phonetic aspect of languages.

**Калит сўзлар:** фоностилистика, фоновариант, талаффуз варианты, фоноўзгариш, фоностилистик воситалар.

**Ключевые слова:** фоностилистика, фоновариант, произносительный вариант, фоновари́рование, фоностили́стические средства.

**Keywords:** phonostylistics, phonovariant, pronunciation variant, phonovariation, phonostylistic means.

Тил ўзгариш жараёнларини ўзининг структур хусусиятлари ва систем имкониятлари, шунингдек, шу имкониятларнинг нутқда воқеланиш тенденциялари асосида бошқариб туради. Тил бирликларининг ўзгариши, турланиши ва хусусан, фоноўзгариш потенциал тил системаси ва унинг структур хусусиятлари доирасида юз беради.

Фоноўзгариш ва фоностилистика ҳодисаси тилнинг у ёки бу жамоа ҳаётий вазиятидаги аниқ контекстида намоён бўлиши натижаси ҳисобланади. Фоностилистика маданий феномен сифатида муайян культурологик билимларга эга бўлган ҳолда фоновариантларнинг лексик-грамматик ва стилистик фарқланишига кўра лингво-нутқий хаоснинг олдини олади.

Ҳозирги рус ва ўзбек тилларида бир қатор фонетик модификациялар мавжуд бўлиб, улар сўзлар, сўз бирикмалари, жумлаларнинг стилистик аҳамиятини оширади ҳамда рус ва ўзбек тилларининг фонетик аспектидаги стилистик воситалар системасини ташкил қилади. Тил бирликлари стилистик шартланган фоновариантларининг синтагматик ва парадигматик муносабатлари тилда фоностилистик тизимнинг мавжудлигини исботлайди.

Талаффуз стилистикасининг синтагматик аспекти парадигматика билан мутаносибликда ўрганиш стилистик бўёққа эга бўлган тил бирликлари фоновариантларининг воқеланиш динамикасини кўрсатиш ва жумланинг фоностилистик тузилиш механизмини очиш имкониятини беради. Бунда стилистик шартланган товуш воситаларининг жорийланишини тадқиқ қилишда тил бирликлари фоновариантлари семантик функциялари ҳисобга олиниши зарур, зеро бу билан ушбу фоновариантлар қўлланаётган аниқ вазият реаллаштирилади. Фонетик ва лексик-семантик, грамматик, стилистик воситалар бир-бири билан жипслашган бўлиб, улар ўзаро шартлангандир, нутқда улардан бирининг эмоционал бўёққа кўпроқ эга бўлиб, етакчилик қилиши ҳақида гапириш мумкин.

Фонетик аспектидаги стилистик воситаларга рус ва ўзбек тилларидаги:

- 1) сўз фонем таркибининг ўзгариши;
- 2) рус тилидаги сўз урғусининг қўйилиши (ўзбек тилида у стилистик информатив эмас);
- 3) жумла интонацион параметрларининг ўзгариши;
- 4) ўзбек тилида эса сўзнинг товуш элементлари сингармоник вариацияларини киритиш мумкин.

Фоностилистик бирликларга тилнинг талаффузда фарқланувчи ва стилистик бўёққа эга бўлган вариант бирликлари киради, яъни улар тил бирликларининг фоновариантларидир.

Фоностилистик воситаларни ўрганиш тил бирликларининг нутқда стилистик тақсимланиш муаммоси билан боғланади. Сегмент фоностилистик воситалар фоностилемаларнинг стилистик маркерлари сифатида қатнашади, улар стилистик бўёққа эга бўлган сўзларнинг фонетик вариантларини ўзида намоён қилади ва нутқнинг умумий стилистик безалишида қатнашади.

Рус ва ўзбек тилларида сўзларнинг стилистик бўёққа эга бўлган фоновариантлари юзага келишига сабаб бўладиган фоностилистик

воситалар идентик характерга эга. Жумладан, ҳар икки тилда ҳам қуйидаги воситалар фоностилистик аҳамиятга эга:

1) унлилар альтернацияси: *обуслóвливать* – *обуслáвливать*, *строганина* – *струганина*, *бытиé* – *бытиё*; *буқоқ* – *бўқоқ*, *гезармоқ* – *газармоқ*, *қандолат* – *қандалат*, *зогча* – *загча*;

2) ундошлар альтернацияси: *бўдничный* – *бўднишний*, *тсс* – *тиши*, *балабóл* – *балабóн*; *танламоқ* – *талламоқ*, *шартаки* – *шаттаки*, *дўпти* – *тўпти*, *бунча* – *мунча*;

3) товуш тушиши: *ушáстый* – *ушáтый*, *надéжда* – *надёжа*, *одéжда* – *одёжа*, *пойдú* – *подú*; *келтирмоқ* – *кетирмоқ*, *сувлуқ* – *сулуқ*, *ҳовур* – *ҳовр*, *қурут* – *қурт*;

4) товуш ортиши: *споткнуться* – *спотыкнúться*, *нет* – *нétу*, *усáтый* – *усáстый*; *янгидан* – *янгитдан*, *қайтага* – *қайтанга*, *сирга* – *исирга*, *рус* – *ўрис*;

5) метатеза: *табуретка* – *тубаретка*, *вошь* – *вша*, *бруцеллэз* – *бурцеллэз*; *термилмоқ* – *телмирмоқ*, *шириқ* – *шиқир*, *қиргий* – *қийгир*;

6) элизия: *жизнеобеспéчение* – *жизнеобеспéченье*, *заведéние* – *заведéнье*, *миллиард* – *милъярд*; *олиб бермоқ* – *обермоқ*, *икки кам* – *иккам*, *опогойи* – *опойи*;

7) сўз бўғин таркибининг ўзгариши: *тысяча* – *тыща*, *сейчас* – *щас*, *ничего* – *ничё*; *умрбоқи* – *умбурвоқи*, *бўлибди* – *бўпти*, *жуда* – *жа*. (Келтирилган талаффуз жуфтликларида иккинчи фоновариантлар сўзлашув услубига мансубдир).

Ушбу фоностилистик воситалар сўзларнинг нейтрал, сўзлашув ва эскирган услубларида юқори частотали фоновариантларининг юзага келишига сабаб бўлади. Масалан, нейтрал ва эскирган услубларга хос талаффуз жуфтликлари: рус тилида: *середúна* – *средúна*, *надзвёздный* – *надзвёздный*, *яромó* – *ярém*, *пóлночь* – *пóлноць*; ўзбек тилида: *минора* – *манора*, *қатъиян* – *қатъан*, *зимдан* – *зимнан*, *пойафзал* – *пойабзал*. (Келтирилган талаффуз жуфтликларида иккинчи фоновариантлар эскирган ҳисобланади).

Туб русча ва туб ўзбекча сўзлар фоностилистикаси ушбу тилларга ўзлашган сўзлар фоностилистикасидан ажралиб туради. Ўзлашган сўзлар фоновариантлари рус тилида қўлланишининг ўзига хослиги шундаки, улар мулоқотнинг профессионал соҳасида жуда фаол ва кундалик мулоқотда ўзининг терминологик хослиги туфайли паст частотага эга. Масалан: *пуансон* – *пунсон*, *фаблио* – *фабльо*, *дистрибьютер* – *дистрибутор*,

*эллипсис* – *эллипс*. (Келтирилган талаффуз жуфтликларида иккинчи фоновариантлар профессионал соҳада кўпроқ учрайди).

Ўзбек тилига ўзлашган стилистик бўёққа эга бўлган сўзларнинг фоновариантлари, рус тилидан фарқли ҳолатда, сўзлашув нутқида юқори частотага эга, улар унда адаптация қилинади ва стилистик маркировкага эга бўлади. Масалан: *шланг* – *шланга*, *сунбул* – *сумбул*, *сунбул* – *сумбул*, *лаънат* – *наълат*. (Келтирилган талаффуз жуфтликларида иккинчи фоновариантлар сўзлашув услубига мансубдир).

Сўзлар фоновариантларининг функционал – стилистик табиатини аниқлашда, биринчидан, тилнинг умумсистем стилистик хусусиятларини, иккинчидан, тил бирлиги ҳар бир варианты мулоқотнинг лингвокультурологик муҳитига боғлиқ равишда шаклланадиган когнитив белгиларини ҳисобга олиш зарур бўлади.

Сўзларнинг стилистик бўёққа эга бўлган фоновариантлари тилнинг талаффуз сатҳидаги лингвокультуремаларидир. Улар дунёни лингвокультурологик аспектда қабул қилишни белгилайди ва ўзида маданий стереотипларни намоён қилади.

Тил бирликлари талаффуз вариантларини тилшуносликнинг янги илмий йўналишлар ва ғоялар асосида ўрганиш алоҳида олинган битта тил ва умуман тиллар доирасида фоноўзгариш ва фоностилистикани тадқиқ қилишда катта имкониятлар очади. Тил бирликлари фоновариантлари улар кўлланаётган вазият билан аниқланадиган семантик функцияларини белгилаш, уларнинг концептуализацияси, когнитив ва лингвокультурологик интерпретацияси фоностилистик тадқиқот материалида тил воситаларининг нутқ яратиш жараёнида эга бўладиган барча ўзаро алоқалари ва ўзаро муносабатларини аниқлаш имконини беради. Демак, улар тил системаси ва структурасини белгилаш, нутқда уларнинг концептуал хусусиятлари намоён бўлиш механизмини очиш, улар эволюцияси тенденцияларини прогноз қилиш имконини ҳам беради.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Джусупов М., Сапарова К. Тюркская фоностилистика (на материале узбекского языка). – Астана: Сарыарка, 2011. – 238 с.
2. Нурахметов Е.Н. Проблемы супraseгментной фоностилистики (на материале французского языка): Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – М., 1997. – 42 с.
3. Прохватилова О.А. Фоностилистика: Стилистический анализ звучащей речи. – Волгоград: Изд-во Волгогр. Ун-та, 1996. – 108 с.
4. Сапарова К.О. Фоностилистика русского и узбекского языков. – Ташкент: Узбекистан, 2006. – 272 с.